
ПОРЛОҚ БАЛИҚЧИЛАР МАҲАЛЛАСИГА АЙЛАНАДИ

Порлоқ маҳалла фуқаролар йиғинига борсангиз, юрtdошларимизнинг яратувчанлик ишлари билан банд эканлигига гувоҳ бўласиз. Ҳашарга келган ободонлаштириш бошқармаси ходимлари маҳалла аҳлига оқлаш, кўклаш ишларида камарбаста. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалла ҳудудидан ўтувчи зовур қудратли техникалар билан чопиляпти. 3,5 километр узунликдаги зовур тозаланиб, ҳар эллик метрда бўлиниб, балиқ боқиш учун ишсиз аҳоли вакилларига берилади. Келажакда Порлоқ балиқчиликка ихтисослашган маҳаллага айланади. Ирригация бўлими ишчилари зовур атрофини ободонлаштириш ишлари билан банд. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов иш жараёнлари билан танишиб, лойиҳани тезлатиш ва уни ишга тушириш бўйича топшириқлар берди.

Ўзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-06 08:24:18